



МАҲАЛЛИЙ ОРОНИМИК ТЕРМИНЛАР ВА ТАХТАКЎПИР ТУМАНИ ОРОНИМЛАРИ

Балтабаев Омирбай Осербаевич

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Email: baltabaev.omirbay@ndpi.uz

<https://www.doi.org/10.37547/ejar-v03-i02-p4-161>

ARTICLE INFO

Received: 17th February 2023

Accepted: 26th February 2023

Online: 27th February 2023

KEY WORDS

Ороним, маҳаллий географик термин, оронимик термин, топотермин, этимология.

ABSTRACT

Ушбу мақолада Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида тарқалган баъзи маҳаллий оронимик топотерминларнинг маъно-мазмуну жиҳатидан таҳлил қилинди. Шунингдек, республиканинг Тахтакўпир туманидаги маҳаллий оронимик терминлар ёрдамида ясалган баъзи оронимларнинг этимологияси ўрганилди.

Кириш. Топонимларнинг пайдо бўлишида маҳаллий географик терминлар алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки улар ҳудуддаги топонимларнинг этимологиясини аниқлашда муайян даражада калит вазифасини бажаради. Таниқли топонимист олимлар маҳаллий географик терминларни билмай туриб, топонимларнинг маъносини аниқлаш мумкин эмас деб ҳисоблайди [16]. Маҳаллий (халқ) географик терминларига Э.М.Мурзаев: «Халқ терминлари – илмий терминшуносликнинг ривожлантириш манбаи», – деб ёзган эди [9].

Дунёда географик терминлар ва улардан таркиб топган топонимларни кўплаб учратишимиз мумкин. Бизлар бу мақоламизда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида тарқалган айрим маҳаллий оронимик терминларга ва уларнинг топоним пайдо қилишидаги ўрнига, шунингдек, Тахтакўпир тумани ҳудудидаги баъзи оронимларнинг этимологиясига тўқталиб ўтмоқчимиз.

Метод ва методология. Мақолани тайёрлашда асосан Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий географик терминларни ва ҳудуд географик номларини тадқиқ қилган маҳаллий тадқиқотчилар ҳисобланган Қ.Абдимуратов, Қ.Сейтаниязов [10], М.Қурбанов [15,16], О.Балтабаев [1-5, 19-21] ва бошқада кўплаб маҳаллий тадқиқотчиларнинг илмий ишларига асосланди. Шунингдек, географик-қиёслаш, тарихий-этимологик ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Асосий қисм. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги маҳаллий оронимик топотерминларга *бел* (ўзбек тилида *бел ва доvon*), *дөң* (*дўнг*), *тақыр* (*тақир*), *тас*, *таў* (*тов*, *тоғ*), *төбе* (*тепа*), *төбешик* (*тепалик*), *қыр* (*қир*), *қум*, *шың* (*чўққи*), *ой* (*ўй*) ва бошқада маҳаллий географик терминлар киради.

Бел (ўзбек тилида *бел ва доvon*) географик термин сифатида «*тоғдан ошиб ўтиш жойи*» маъносини билдиради. Қадимги туркий тилда бу сўз «*бел*» маъносини яна «*тепа, дўнг*» тушунчаларини ҳам билдирган [15].



Бел кўпгина туркий тилларда «*паст тоғ*», «*тоғ тизмасининг пасайган жойи*», «*довон*» маъноларида жой номлари таркибида учрайди.

Э.М.Мурзаевнинг таъкидлашича, *бел* – метаморфик атамалардан биридир. Масалан, озарбайжон тилида – «*ёл*», «*тоғ тепалари (грядалари)*», ясси тепаликлар, туваликлар тилида – «*тоғ ёнбағри*», олтойча «*тоғ*», «*тоғ тизмаси*», «*ёнбағир*», туркманча – «*тоғларнинг утлоқ билан қопланган ўрта қисми*», «*тоғларнинг баҳориқорлик билан шуғулланиладиган қисми*», хакас тилида – «*довон*», «*увал (ясси тепалик)*», туркча – «*дара*», «*танг (танги, копчига)*», қозоқча ва қирғизча – «*довон*», «*тоғлардан ўтиш осон бўлган ер*», афғонча «*довон*», «*тоғ йўли*» [8] маноларини билдиради.

Аслида *бел* (туркий), *довон* (мўғулча), *ақба* (арабча), *кўтал* (форсча-тожикча), *ошув* (туркий) атамалари маънодош бўлиб, «*тоғдан ошиб ўтиладиган қулай йўл*» маъносини англатади [22].

Бел – довон, тоғ йўли, тоғ қиррасининг пасайган жойи [7] деган маънода ишлатилади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида *бел* термини *Тоғ* ва *тепаликларнинг эгарсимон энг баланд жойи* шаклида учрайди [12].

Ой (ўзбек тилида ўй) бу термин туркий тилларда кенг тарқалган [9]. Ой сўзи географик термин сифатида текис майдондан чуқур бўлган ерга нисбатан қўлланилади.

Ўзбек тилида *ўй* – чуқурлик, пастлик, ботиқлик, ўйилган йер. Туркий халқлар яшайдиган барча ҳудудларда *ўй, ўйдунг, ўйпат, ўйлуқ, ўйжуқ, ўйтақ* каби шаклларда кўплаб топонимлар ҳосил қилган [22].

Таў (ўзбек тилида тоғ, тов) терминининг қадимги туркий ёзма ёдгорликларида ҳам ҳозирги маънода қўлланилганлигидан унинг оронимик термин сифатида анча илгари шаклланганлигини кўриш мумкин [15]. Тоғ ер сатҳининг тепаликка нисбатан анча баланд кўтарилган қисми. Махмуд Қошғарий луғатида ҳам *тағ* шаклида учрайди [6]. Эрон, Афғонистон ва Тожикистондаги тоғлар асосан *қўҳ* деб ёзилади [18]. П. Ғуломов ўртача 600 метр баландликни *тоғ* деб аташ мумкин [17] деб ёзган.

Таў термини Ўзбекистоннинг кўпшилиқ қисмида *тоғ* ва *тов* шаклларида учрайди. Туркий халқлар яшайдиган ҳудудларнинг ғарбий қисмларида (Афғонистон, Қрим, Кавказда, Озарбайжон, Туркменистон) *доғ (даг)*, Қозоғистонда *тау*, Қирғизистонда *тўў*, Сибирда *ту, туу, тиа* шаклларида талаффуз қилинади [22].

Бундан *таў* терминининг жуда катта ҳудудларда, узоқдан-узоқ масофаларга тарқалганлигини кўришимиз мумкин.

Тақир (ўзбек тилида тақир) умуман ўсимлик ўсмаган, текис катта ер [14]. *Тақир* термини яна катта ҳажмдаги текис ва қаттиқ ерларга боғлиқ қўлланилади [15]. Қаттиқ қалин қатқалоқ билан қопланган ер [7].

Төбе (ўзбек тилида тепа) термини Қорақалпоғистон ҳудудида бу термин «*усти гумбаз таризли баланд жой*» деган маънони билдиради. Ўзбек тилида *тепа* – *дўнглик, тепалик, чўққи, бирон нарсанинг учи*. Қадимги туркий тилда *тўпу, дўбў, дене, тўбе, дўба, тўбу*, тожик тилида *теппа*, ўзбек шеваларида *тева, тўба* шаклларида талаффуз қилинади. Э.М.Мурзаев ёзганидек, бу атама турлича фонетик шаклларда Кавказ, Волга



бўйи, Урал тоғлари атрофлари, Сибир, Яқин Шарқ, Болқон ярим оролида кўплаб топонимлар ҳосил қилган [22].

Шың (Ўзбек тилида чўққи). Қанақа шаклда бўлишига қарамасдан, ҳоҳлаган тоғнинг енг баланд нуқтаси [11]. Қозоқлар *шинг*, олтойликлар ва қирғизлар *чинг* дейишади. Рус географик адабиётида *чинк* шаклида ишлатилади. Еронда *ченг* деганда *тоғ, тоғ тепаси, тепалик* ҳам тушунилади [22].

Қум – тошнинг майда заррашалари [13]. *Қум* термини туркий тилларда айрим фонетик фарқлари билан унумли қўлланилади. Масалан, ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ тилларида *қум*, озарбайжон, турк тилларида *гум*, туркман тилида *гум* сўзи «қумли ер», мазкур тилдаги *чэге* сўзи «қум», олтой тилида *қум* сўзи «қўчма қум», ушбу тилдаги *қумақ* ва ёқут тилидаги *қумах* вариантлари «қум» деган маънони билдиради [15]. Миракмаловнинг ёзишича, *қум* – тоғ жинслари ва минералларнинг сочилувчан майда зарралари [7].

Юқорида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида кўплаб тарқалган баъзи оронимик терминларнинг маъноси, моҳияти ва тавсифи ҳақида батафсил маълумотлар келтирилди. Ҳаммамизга маълумки, Тахтақўпир тумани ҳудудининг аксарият (шарқий, шимолий, жанубий) қисми қумлик яъни Қизилқум қумлари билан қопланган. Туман ҳудуди рельефини асосан қумлик ва паст тепаликлар ташкил қилади. Қуйида Тахтақўпир тумани ҳудудида жойлашган оронимик терминлар ёрдамида ясалган баъзи оронимларнинг этимолоясига тўқталиб ўтамыз.

Атшабартөбе (Ўзбек тилида Атшабартўбе) – Тахтақўпир туманининг Мулик ОФЙ ҳудудидаги тепалик, бу тепаликда ҳардоим илоқ, кўпкари миллий ўйини бўлиб турганлигидан шундай аталган.

Байкеқум (Байкеқум) – туманнинг Мулик ОФЙ ҳудудидаги қумлик номи бўлиб, номнинг пайдо бўлишида қумликка яқин ҳудудда Байке исми киши яшаган экан.

Белтаў (Белтов) – Тахтақўпир тумани ҳудудидаги тоғ номи. Бу ном иккита оронимик *бел* ва *таў* (ўзбек тилида *тоғ*) терминларидан таркиб топган. *Бел (Ўзбек тилида бел ва довон)* географик термин сифатида «*тоғдан ошиб ўтиш жойи*» маъносини билдиради. Қадимги туркий тилда бу сўз «*бел*» маъносин яна «*тепа, дўнг*» тушунчаларини ҳам билдирган. *Бел* кўпгина туркий тилларда «*паст тоғ*», «*тоғ тизмасининг пасайган жойи*», «*довон*» маъноларида жой номлари таркибида учрайди. Шундай экан, *Белтаў* «*паст тоғ*», «*тоғ тизмасининг пасайган жойи*», «*тоғдан ошиб ўтиш жойи*» демакдир.

Ешимбетқум (Ешимбетқум) – бу қумлик номи бўлиб, қорақалпоқнинг бессари уруғидан чиққан Ешимбет исми киши билан боғлиқ қўйилган. Маҳаллий халқга таниқли бўлган бу киши ушбу қумликка яқин жойда яшаган экан.

Жалаңашқум (Жаланақум) – туманнинг Мулик ОФЙ ҳудудида жойлашган қумлик номи бўлиб, бу қумнинг устида умуман ўсимлик ўсмаган ва доимо қумлик усти текис ва ўсимликсиз бўлган, шу сабабли қумлик номи *Жаланақум* деб номланган экан.

Нарманқум (Нарманқум) – бу қумлик туманнинг Мулик ОФЙ ҳудудида жойлашган бўлиб, номнинг келиб чиқиши Нарман исми ёши катта кишининг исми



билан боғлиқ. Бу киши шу қумликга яқин жойда яшаган. Шу сабабли ҳам қумлик номи *Нарманқум* деб аталиб кетган.

Лаўзанқум (Лаўзанқум) – туманнинг Қораўй ОФЙ ҳудудида жойлашган қумлик. Бу қумликнинг Лаўзанқум деб номланишига асосий сабаб, ушбу қумликда Лаўзан деб номланган қабристон бор, қабристон номи қумлик номига ҳам ўтган. Республикамининг бошқа ҳудудларида ҳам Лаўзан номи билан аталган қабристонларни кўплаб учратишимиз мумкин.

Сарманқум (Сарманқум) – Сарман исми қозоқ миллатига мансуб киши ушбу қумга яқин жойда яшаган ва қумлик у киши номи билан *Сарманқум* деб аталган.

Сарықум (Сариқум) – туманнинг Қораўй ОФЙ ҳудудида жойлашган қумлик. Қумликнинг ранги сап-сарик, олисдан қарасангиз ҳам сариқ рангга товланади шу сабабли ҳам қумлик *Сариқум* номини олган.

Қараўылтўбе (Қараўилтўбе) – туманнинг Мулик ОФЙ ҳудудида жойлашган қумлик. Илгари шу ўринда қозоқ миллатига мансуб бўлган Қилиш исми маҳаллий аҳолининг бийи бўлган. Маҳаллий аҳоли ушбу ҳудудни қўриқлаш мақсадида шу қумликга яъни тепаликга чиққан ва ушбу тепалик Қараўилтўбе деб аталган.

Хулоса. Умуман юқоридаги мисаллардан кўришимиз мумкинки, маҳаллий географик терминлар республикамининг ҳудудидаги топонимларнинг ясашида жуда кўп қўлланилган. Шу сабабли ҳам маҳаллий географик терминларни чуқур ўрганиш ва топонимларнинг этимологиясини аниқлаш, бу биз ва келажак авлодлар учун долзарб муаммолар сирасига киради. Шундай экан, ҳар биримиз тарихий меросимиз ҳисобланган маҳаллий географик терминлар ва маҳаллий географик номларни яъни топонимларни янада чуқурроқ ўрганишимиз лозим.

References:

1. Алланазаров К.Ж., Балтабаев О.О. Жергиликли географиялық терминлерге қысқаша сыпатлама (оронимиялық терминлер мысалында) // «География – келешекке көз қарас» атамасындағы республикалық илимий-теориялық конференция материаллары топламы, 07-08.11.2018. – Нөкис. – Б. 12-14.
2. Балтабаев О.О. [Қорақалпоғистон Республикаси ойконимларининг ижтимоий-географик таҳлили](#). География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2022. – 45 б.
3. Балтабаев О.О. «Таў» термини топотермин сифатида // «XXI асрда илм-фан тараққиётининг ривожланиш истиқболлари ва уларда инновацияларнинг тутган ўрни» мавзусидаги Республика илмий 3-онлайн конференцияси, 30.04.2019. – Б. 144-146.
4. Балтабаев О.О. Жергиликли географиялық терминлер топотермин сыпатында («таў» термини мысалында) // «Ўзбекистонда илм-фан ва таълим» мавзусидаги Республика миқёсидаги илмий конференция тўплами. – Қўқон. 26.03.2020. №1. – Б. 64-67.
5. Балтабаев О.О. [Тахтакөпир атамасы ҳам оның келип шығу тарихы](#) // Международная научно практическая online-конференция Интеграция в мире и связь наук. Г.Баку, октябрь 2020 г. – Б. 68-69.



6. Маҳмуд Қошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). III том. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1963. – 463 б.
7. Миракмалов М.Т. Халқ табиий географик терминлари. (Монография). – Т.: Fan va texnologiya, 2009. – 176 б.
8. Миракмалов М.Т. Табиий географик терминларнинг шаклланишида халқ атамаларининг ўрни: Геогр. фан номзоди... дисс. – Т.: 1998. – 148 б.
9. Мурзаев Э. М. Словарь народных географических терминов. – М.: Мысль, 1984. – 653 с.
10. Сейтаниязов К.М. Топонимы северных районов правобережья Каракалпакии: Диссертация на соис. к. г. н. –Ташкент.: 1998. – 138 с.
11. Умирбаев Е.У. Географиялық терминлер менен атамалардың орысша-қарақалпақша түсіндірме сөзлігі. – Нөкис.: Билим, 1993. – 244 б.
12. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 680 б.
13. Қарақалпақ тилинің түсіндірме сөзлігі. III том. – Нөкис.: Қарақалпақстан, 1988. – 368 б.
14. Қарақалпақ тилинің түсіндірме сөзлігі. IV том. – Нөкис.: Қарақалпақстан, 1992. – 636 б.
15. Қурбанов М.Д. Қарақалпақ тилидаги географик терминларнинг лексик-грамматик хусусиятлари: Филол. фан номзод... автореф. – Нукус.: 2011. – 23 б.
16. Қурбанов М.Д. Қарақалпақ тилиндеги жергиликли географиялық терминлер. Илим хәм жәмийет. №1-2. – Нөкис.: 2009. – Б. 32-34.
17. Ғуломов П.Н. Мактаб жўғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 144 б.
18. Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири: Илмий – оммабоп таъриф. – Т.: Ўзбекистон, 1985. – 120 б.
19. Baltabaev O.O. [Geographical study of place names in the territory of Karakalpakstan](#). "Экономика и социум" №5(96) 2022. – pp. 61-65. DOI 10.46566/2225-1545_2022_2_96_61
20. Baltabaev O.O. [The role of local hydronymic terms in the formation of oikonims of the takhtakupir district of the republic of Karakalpakstan](#). ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Vol. 11, Issue 2, February 2021. – pp. 320-325. DOI: 10.5958/2249-7137.2021.00351.7.
21. Baltabaev O.O. The etymology of the Takhtakupir toponymy. "Экономика и социум" №12(79) 2020. – pp. 38-40. DOI 10.46566/2225-1545_2020_1_79_38
22. Qorayev S. Toponimika. – Т.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2006. – 320 б.